

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНинг
А Ж Р И М И
1-1409-2101/135

2022 йил апрель ойининг 6 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, видеоконферцалоқа тизимида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси М.Эргашев, ҳайъат судьялари Ҳ.Ярашов ва А.Холбоевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Абдиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Т.Каримкулов ва Н.Уразалиев, судланувчи Д.Т ва унинг ҳимоячиси - адвокат О.Джураев, жабрланувчилар Ё.Н, О.Э, Э.Б, З.П, Р.Д, А.К ва Ш.Тнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг 2022 йил 25 январдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан судланувчи

Т.Д. 1996 йил 13 март куни Нарпай туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Нарпай тумани “Д” МФЙ, “Д” қишлоғида яшаган, “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан Нарпай туман прокурорининг апелляция протести ҳамда судланувчи Д.Тнинг апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиш, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Д.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Д.Тдан жабрланувчи Р.Д фойдасига 3.700.000 сўм, жабрланувчи А.К фойдасига 7.235.000 сўм, жабрланувчи О.Э фойдасига 12.000.000 сўм, жабрланувчи Ё.Н фойдасига 6.500.000 сўм, жабрланувчи Ш.Т фойдасига 4.000.000 сўм, жабрланувчи Э.Б фойдасига 4.400.000 сўм ва жабрланувчи З.П фойдасига 500.000 сўм моддий зарарни ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Д.Т ўзганинг мол-мулкани қўлга киритиб, осон бойлик орттириш ва моддий манфаат кўриш мақсадида, 2020 йил 30 декабрь куни Э.О. дан бир бош она-бола сигирини жами 13.000.000 сўм пулга сотиб олишга келишиб, пулларини 2021 йил март ойининг бошида 8.000.000 сўмини, апрель ойининг бошларида эса 5.000.000 сўмини беришлигини ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, алдаб, она-бола қорамолларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу молларини сотиб юбориб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи Д.Т ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил июль ойида Д.Р. га сабзи савдоси билан шуғулланишини айтиб, уни ишонтириб, Р.Ддан 0,25 гектар ер майдонига экилган сабзиларни 4.200.000 сўмга сотиб олишини, сабзиларни бозорда сотиб, пулларини 3 кун ичида беришини айтиб, унинг ишончига кириб, алдаб, сабзиларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу сабзиларини сотиб юбориб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, судланувчи Д.Т ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 14 август куни Н.Ё. га сабзи савдоси билан шуғулланишини айтиб, уни ишонтириб, Ё.Ндан 0,10 гектар ер майдонига экилган сабзиларини 6.500.000 сўмга сотиб олишини, сабзиларни бозорда сотиб, пулларини бир икки кун ичида беришини айтиб, унинг ишончига кириб, алдаб, сабзиларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу сабзиларини сотиб юбориб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи Д.Т. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 20 август куни Т.Ш. га сабзи савдоси билан шуғулланишини айтиб, уни ишонтириб, Ш.Тдан 0,25 гектар ер майдонига экилган сабзиларни 4.100.000 сўмга сотиб



олишини, сабзиларни бозорда сотиб, пулларини 3 кун ичида беришини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, сабзиларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу сабзиларини сотиб юбориб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, Д.Т ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 23-25-август кунлари К.Ага сабзи савдоси билан шуғулланишини айтиб, уни ишонтириб, А.Қдан жами 3.340 кг. сабзиларни 8.350.000 сўмга сотиб олишини, сабзиларни бозорда сотиб, пулларини 2021 йил 29 август куни беришини айтиб, унинг ишончига кириб, алдаб, сабзиларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу сабзиларини сотиб юбориб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи Д.Т ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 1 сентябрь куни Б.Эдан бир бош ҳўкизини жами 10.500.000 сўмга сотиб олишни ваъда қилиб, шундан 6.100.000 сўмини бериб, қолган 4.400.000 сўм пулларни кейинчалик беришлигини айтиб, унинг ишончига кириб, алдаб, бир бош қорамолни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу бир бош қорамолни сотиб юбориб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, судланувчи Д.Т ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 28 сентябрь куни жабрланувчи П.З. дан жами 500.000 сўмлик кийим-кечакларни олиб, пулларини кейинчалик беришини айтиб, унинг ишончига кириб, алдаб, эркаклар кийимларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Протестда, жабрланувчилар Р.Д, О.Эшқуватов, Ш.Т ва З.Пардаевга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланилганлиги сабабли, Д.Дга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартириб, унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш сўралган.

Судланувчи Д.Т шикоятда, қилмишидан пушаймонлиги, оиласида ягона боқувчи эканлиги, жабрланувчилар Р.Д, О.Эшқуватов, Ш.Т ва З.Пардаевга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланилганлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси М.Эргашевнинг маърузасини, прокурор Т.Каримқуловнинг протестни қаноатлантириш, судланувчи Д.Т ва унинг ҳимоячиси - адвокат О.Джураев, жабрланувчилар З.П, О.Э, Р.Д ва Ш.Тнинг апелляция протести ва шикоятини қаноатлантириш, жабрланувчи А.К, Э.Б ва Ё.Ннинг шикоятни рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция протести ва апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, протест ва шикоятни қисман қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим деб топди.

Судланувчи Д.Тнинг айби, ўзининг суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда сўралган жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, иш ҳужжатларидаги аризалар, тилхат, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, юзлаштириш ва сўроқ баённомалари каби жиноят ишида тўпланган объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Д.Тнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги Қарорининг 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши далиллар мақбуллигининг шартлари сифатида қайд қилинган.

Биринчи инстанция суди жиноят ишини кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган да, тўпланган далилларга қонунийлик принциплари асосида баҳо бериб, Ўзбекистон



Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, Д.Тни айбли деб топиб, қонуний ва асосли тўхтамга келган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи Д.Тга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига, шунингдек ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмидаги “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган талабларига амал қилиб, уни шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, қилмишидан пушаймонлиги, шахсини ва зарар қопланмаганлигини инобатга олиш билан биргаликда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд эмаслиги ҳақида асосли хулосага келиб, қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қонуний тўхтамга келган.

Суд, иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Д.Тнинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ бугунги кунга келиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ярмидан кўпи қопланганлиги муносабати билан суднинг ҳукмини ўзгартиришни лозим бўлади.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори 12-бандида, судлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятга оид ишлар бўйича зарарни қисман қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ЖК 57-моддасини қўллаш масаласини муҳокама этиши, жумладан, жиноят натижасида етказилган зарар суммасининг камида ярми айбдор томонидан қопланганлиги жазони жиддий камайтирувчи ҳолат деб топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Апелляция судлов ҳайъатига, жабрланувчи З.П, О.Э, Р.Д ва Ш.Тлар ариза тақдим қилишиб, судланувчи Д.Тнинг қариндошлари томонидан уларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи Ё.Н эса ўзининг аризасида Д.Тнинг қариндошлари томонидан унга етказилган моддий зарарни 2.000.000 сўми қопланганлиги, 4.500.000 сўм қисми қопланмаганлигини маълум қилишди.

Бу ҳолат эса, судланувчи Д.Т томонидан етказилган зарарни ярмидан кўпи қопланганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁰-моддасида, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Судлов ҳайъати, етказилган зарарни ярмидан кўпи қопланганлигини эътиборга олиб, Д.Тга оид суд ҳукмини шу асосга кўра ўзгартириб, жабрланувчилар Р.Д, О.Эшқуватов, Ш.Т ва З.Пардаевга етказилган моддий зарар тўлиқ, Ё.Нга етказилган моддий зарар қисман қоплангани, шунингдек Д.Тни айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оиласида ягона боқувчи эканлиги, қопланмай қолган зарар миқдори ва оилавий шароити оғирлиги каби жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашни, суд ҳукмининг Р.Д фойдасига 3.700.000 сўм, жабрланувчи О.Э фойдасига 12.000.000 сўм, жабрланувчи Ш.Т фойдасига 4.000.000 сўм, жабрланувчи З.П фойдасига 500.000 сўм моддий зарар ундириш қисмини бекор қилишни, жабрланувчи Ё.Н фойдасига 4.500.000 сўм ундиришни белгилашни, прокурорнинг протести ҳамда судланувчи Д.Тнинг апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни ва суд қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁹, 497²⁶, 497³¹-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг 2022 йил 25 январдаги судланувчи **Т Д Сирожиддин ўғли** (То'layev Dostonbek Sirojiddin o'g'li)га оид ҳукми ўзгартирилсин.

Д.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан тайинланган жазо муддати ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 3 йилга келтирилсин.

Суд ҳукмининг судланувчи Д.Тдан жабрланувчи Р.Д фойдасига 3.700.000 сўм, жабрланувчи О.Э фойдасига 12.000.000 сўм, жабрланувчи Ш.Т фойдасига 4.000.000 сўм ва жабрланувчи З.П фойдасига 500.000 сўм моддий зарарларни ундириш қисми бекор қилинсин.

Судланувчи Д.Тдан жабрланувчи Ё.Н фойдасига 4.500.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Прокурорнинг апелляция протести ҳамда судланувчи Д.Тнинг апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

М.Эргашев

Ҳайъат судьялари:

(имзо)

Ҳ.Ярашов

(имзо)

А.Холбоев

Аслига тўғри

